# УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ

(Боши биринчи бетда).

**Қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайта қуриш пролетариат ҳокимиятни қўлга олганидан кейинги энг мураккаб ва қийин вазифадир.** Майда мулк эгаси урф-одатларининг асрий кучини енгиш, унинг психологиясини ўзгартириш, янги турмушнинг афзалликларини деҳқонга яққол кўрсатиб бериш зарур эди. Партия XV съезди тарқоқ деҳқон хўжаликларини йирик социалистик ишлаб чиқариш изига аста-секин ўтказишга қаратилган сиёсий йўлни белгилаб берди.

Ленининг кооперация плани мана шу жуда муҳим революцион вазифани ҳал этишга асос қилиб олинди. Бу жаҳоншумул тарихий вазифани ҳал этмоқ учун партиянинг йиллаб қизғин ташкилотчилик ва тарбиявий иш олиб бориши лозим бўлди. Қишлоқнинг коллективлаштирилганлиги натижасида майда товар укладининг ўрнини социалистик уклад эгаллади, экономиканинг ўтмишда энг қолоқ тармоғи бўлган қишлоқ хўжалиги социалистик изларга ўтказилди. Миллион-миллион майда якка деҳқон хўжаликлари колхозларга бирлашдилар, социализм йўлига тушиб олдилар. Коллективлаштириш давомида хўжаликни ижтимоий йўсинда олиб боришнинг мақсадга мувофиқ формаси — деҳқонларнинг ижтимоий манфаатлари билан шахсий манфаатларини қўшиб олиб боришга имкон берувчи қишлоқ хўжалик артели формаси топилди, тақсимлашнинг текисчилик принципини жорий қилишга қаратилган сўлчилик уринишлари бартараф қилинди ва деҳқонларнинг кооперативларга киришида ихтиёрийлик принципини бузиш ҳоллари йўқотилди. Колхозлар тузиш қулоқлар билан шиддатли кураш шароитида амалга оширилди. Ишчилар синфи ва қишлоқ камбағаллари ўрта деҳқонлар билан маҳкам иттифоқ бўлиб, куч ва ғайрат сарфлашлари натижасида эксплуататорларнинг қишлоқдаги қаршилиги синдирилди. Ёппасига коллективлаштириш негизида мамлакатдаги охирги, энг кўп сонли эксплуататорлар синфи тугатилди.

Қишлоқ хўжалигида йирик давлат корхоналари бўлган совхозлар ва машина-трактор станциялари (МТСлар) барпо этиш қишлоқни социалистик негизда қайта қуришда катта роль ўйнади.

Социалистик мулк қишлоқдаги иқтисодий муносабатларнинг асоси бўлиб қолди. Одам одамни эксплуатация қилишини туғдирувчи барча социал сабаблар батамом йўқотилди. Коллективлаштириш Октябрь революциясининг ғалабаларини мустаҳкамлади, қишлоқни янги, социалистик йўлга олиб чиқди, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлади, гитлерчи босқинчилар устидан қозонилган ғалабанинг энг муҳим омилларидан бири бўлди.

Партия XVII съезди мамлакатимизда биринчи беш йиллик мобайнида социалистик экономиканинг пойдевори қурилганлигини таъкидлади.

СССР даги индустрлаштириш ва коллективлаштириш тажрибаси тарих синовидан зўр муваффақият билан ўтди ва кўпгина социалистик мамлакатлар ўз хусусиятлари ва конкрет шароитларини ҳисобга олиб, бу тажрибадан ижодий фойдаланмоқдалар.

**Социализмни муваффақиятли қуриш учун маданий революцияни амалга ошириш зарур эди.** Партия Лениннинг социалистик маданият ўтмиш маънавий меросини, жаҳон маданиятининг барча бойликларини ўзлаштириш ва танқидий қайта ишлаб чиқиш, эксплуататор синфларнинг реакцион идеологиясини, ўтмиш сарқитлари ва хурофотларини қатъий равишда енгиш асосидагина, илмий коммунизм идеяларини меҳнаткашлар онгига чуқур сингдириш асосидагина вужудга келтирилиши мумкин деган кўрсатмаларига амал қилиб келди.

Маданий революция — узоқ давом этадиган мураккаб жараёндир. Мамлакат маданий жиҳатдан қолоқ бўлган қийин бир шароитда, малакали кадрлар ва маблағлар ғоят етишмай турган шароитда давлат аҳолини ёппасига саводхон қилишни, фан ва маданиятни тез юксалтиришни, ёш авлодни социализм руҳида тарбиялашни таъминлаган халқ маорифининг янги системасини вужудга келтирди. Эски зиёлиларнинг энг яхши намояндалари халқ томонига ўтиб хизмат қилдилар, социализм ишига садоқатли янги ишчи-деҳқон зиёлилари вужудга келтирилди.

Маданий революция давомида социалистик, чинакам халқчил маданият яратилди. Миллион-миллион меҳнаткашлар оммасининг социалистик онги шаклланганлиги маданий революциянинг энг катта муваффақияти бўлди.

**Социалистик қурилиш жараёнида Лениннинг миллий масалага доир программаси амалга оширилди, Ватанимиздаги барча халқларнинг социалистик қардошлиги қарор топди.** Партия, Совет ҳокимияти иқтисодий ва маданий қолоқликни, ўтмишдаги миллий адоват қолдиқларини енгиб, халқларнинг ҳар томонлама ҳамкорлигини сабрматонат ва изчиллик билан йўлга сола бердилар, натижада мамлакатимиз халқлари 1922 йилнинг декабрида ўз ихтиёрлари билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига бирлашдилар. СССР тузилганлиги ва у 1924 йилги Совет Конституциясида мустаҳкамланганлиги ғоят катта тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеадир.

Октябрь революцияси, социализм қурилиши ўтмишдаги қолоқ халқларни уйғотди ва мустақил тарихий ижодкорлик йўлига олиб чиқди, шу халқларнинг баъзиларини эса жисмоний қирилиб, йўқ бўлиб кетишдан сақлаб қолди. Социализм қуриш давомида улар ўз давлатларига эга бўлдилар иқтисодий ва маданий қолоқликларини тугатдилар, хўжалик ва маданиятнинг олий социалистик формаларига эришдилар. Бу ғалабанинг аҳамияти яна шунинг учун ҳам каттаки, революциядан олдин феодализм босқичида ва ҳатто патриархал — уруғчилик тузуми босқичида қолиб келган халқлар капитализмни четлаб социализмга ўтдилар. Совет Иттифоқидаги ҳамма халқларнинг якдил эътироф қилишларича рус ишчилар синфи, рус халқи ленинча миллий сиёсатни амалга оширишда катта роль ўйнади.

Социализм СССРдаги ҳамма халқларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатдан ҳақиқий тенглигини таъминлаб бермоқда. Иқтисодий ривожланишнинг пастроқ босқичида турган халқларга жуда катта иқтисодий ёрдам кўрсатилди, саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданиятни жадал ривожлантиришга катта-катта капитал маблағлар ажратилди. Украин белорус ва молдаван халқлари қайта бирлаштирилганлиги, Болтиқ бўйи республикаларида Совет ҳокимияти яна тикланганлиги ва бу республикалар Совет Социалистик Республикалар Иттифоқига кирганлиги миллий масалани ҳал қилишда муҳим босқичлар бўлди.

Совет республикалари — РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР, Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Грузия ССР, Озарбайжон ССР, Литва ССР, Молдавия ССР, Латвия ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Арманистон ССР, Туркманистон ССР, Эстония ССРнинг озод ва тенг ҳуқуқли халқлари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидаги барча миллатлар ва элатлар биргаликда куч ва ғайрат сарфлаб, социализм қурдилар, равнақ йўлига чиқиб олдилар ҳамда экономикани ва маданиятни ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришдилар.

**Пролетариат диктатураси давлати — СССР да социализм қуришнинг асосий қуроли.** Ишчилар синфининг раҳбарлик ролини таъминлаган ҳолда ишчилар синфининг деҳқонлар билан иттифоқи пролетариат диктатурасининг олий принципидир. Совет давлати миллион-миллион кишиларнинг ижодий меҳнатини уюштиришга, янги экономика ва маданиятни вужудга келтиришга, халқ фаровонлигини кўтаришга қодир бўлган энг зўр куч бўлди.

Халқ хўжалигини қайта тиклаш ва биринчи беш йиллик мобайнида меҳнаткашлар кўрсатган оммавий қаҳрамонлиги жамиятимиз тарихининг унутилмас саҳифаларидир. Совет кишилари мамлакатнинг иқтисодий қолоқлигини тугатмоқ ва уни қудратли социалистик давлатга айлантирмоқ учун ўзларининг куч ва ғайратларини аямадилар, маҳрумлик ва машаққатни онгли равишда ўз устларига олдилар, меҳнатда мардлик ва фидокорлик намуналарини кўрсатдилар. Магнитка, Кузбасс, Турксиб, Днепрогэс, Комсомольск-Амур ва индустриянинг бошқа кўпгина тўнғичлари қурилганлиги, социалистик мусобақа ва зарбдорчилик кенг авж олдирилганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси меҳнатга янги, социалистик муносабатда бўлишнинг тимсолидир.

Революцион ўзгаришлар амалга оширилганлиги, халқнинг меҳнатдаги қаҳрамонлиги ва сиёсий ғайрати натижасида жаҳонда биринчи бўлиб Совет Иттифоқида социалистик жамият қурилди. Социализмнинг ғалабаси Советлар фавқулодда VIII съездида 1936 йилнинг декабрида қабул қилинган СССР Конституциясида қонун тариқасида мустаҳкамланди. Конституция СССР ижтимоий ва давлат тузилишининг социалистик асосларини, гражданларнинг кенг социал эркинликлари ва ҳуқуқларини барқарор қилди, ҳокимият органларига яширин овоз бериш йўли билан тўппа-тўғри, тенг ва умумий сайлов системасини жорий қилди, барча иттифоқдош, автоном республикалар, автоном областлар ва миллий округларнинг олий ҳокимият органларига вакиллар сайланишини кенгайтирди. Сиёсий устқурма социализмнинг иқтисодий базисига мувофиқлаштирилди.

Совет Иттифоқи мураккаб халқаро вазиятда, империалистик агрессия доимий хавф солиб турган шароитда ривожланиб борди. Империализмнинг энг реакцион ва агрессив кучларининг ашаддий террорчи ва шовинист диктатураси бўлган фашизм Германияда ҳокимиятни босиб олганидан кейин бу хавф айниқса кучайди. Фашизм мустаҳкамланиб олди ҳамда Америка ва Англия монополияларининг ёрдами билан Германияни қайта қуроллантиришга муваффақ бўлди. Бу монополиялар фашизмни антикоммунизмнинг зарбдор кучи деб ҳисоблаб, унга ёрдам бериб келдилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати фашист давлатлар сиёсати ҳавфли сиёсат эканлигини кўрдилар, вужудга келаётган вазиятни ҳисобга олдилар ва мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш чораларини кўрдилар. Партия уруш хавфи тобора яқинлашиб келаётганлигини ҳисобга олиб, саноат ва транспорт ишини қайта қуриш йўлида муҳим тадбирларни амалга оширди. Урушдан олдинги йилларда вужудга келтирилган мудофаа саноати мамлакатни замонавий ҳарбий техника билан қуроллантиришни таъминлади.

Совет ҳукумати уруш йўлини тўсиш учун Европада коллектив хавфсизлик системасини тузишга интилиб, жуда катта куч ва ғайрат сарфлади. Аммо бунга ғарб сиёсатчилари — фашистлар агрессиясини СССРга қарши қаратишга ва Гитлер билан иттифоқ тузишга интилган «мюнхенчилар» қаршилик кўрсатдилар. Мана шу мураккаб вазиятда Совет Иттифоқи Германия билан ҳужум қилмаслик тўғрисида шартнома тузди, бу шартнома империалистларнинг режаларини бузиб юборди ва мамлакат мудофаасини мустаҳкамламоқ учун вақтдан ютишга имкон берди. Лекин ўша вақтдаги шароитда урушнинг олдини олиш мумкин бўлмай қолди. Ғарбнинг ҳукмрон доиралари йўл қўйиб берганликларидан фойдаланиб, гитлерчилар Германияси иккинчи жаҳон урушини бошлаб юборди. У Европадаги кўпгина давлатларни босиб олиб, СССР га қарши юриш қилди.

**4. 1941 йил 22 июнда герман-фашизми Совет Иттифоқига қарши бошлаган уруш социализмнинг империализм зарбдор кучлари билан энг йирик харбий тўқнашуви бўлди. Бу уруш совет халқининг социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун, социализм учун олиб борган Улуғ Ватан уруши бўлди.**

Герман империализми жаҳонда биринчи социалистик давлатни йўқ қилишни, миллионларча кишиларни қириб ташлашни, Совет Иттифоқи халқлари ва бошқа кўпгина мамлакатларнинг халқларини асоратга солишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Улуғ Ватан уруши Ватанимиз илгари бошидан кечирган барча урушлар орасида энг оғири ва энг шафқатсизи эди. Уруш бошларида бизга жуда оғир машаққатларни бошдан кечиришга тўғри келди. Гитлерчилар ва уларнинг гумашталарининг олдиндан сафарбар қилиб қўйилган, шовинизм ва ирқчилик заҳри билан оғуланган жуда катта армияси территориямизнинг жуда ичкарисига суқулиб кирди. Душман Кавказнинг тоғ этакларигача етиб борди, Волга томон бостириб кирди, Ленинградни қуршаб олди, Москвага хавф солди. Совет мамлакати жуда катта хавф остида қолган эди.

Гитлерчилар мувақкат устунликлардан фойдаландилар: Германия экономикаси ва бутун ҳаёти ҳарбийлаштирилган эди: босқинчилик урушига узоқ вақт тайёргарлик кўрган эди ва унда Ғарбдаги уруш ҳаракатларининг тажрибаси бор эди; чегара зоналарига барвақт келтириб қўйилган қўшинларнинг қурол-аслаҳаси ва сони ортиқ эди. Деярли бутун Ғарбий Европанинг иқтисодий ва ҳарбий ресурслари уларнинг ихтиёрида эди. Гитлерчилар Германияси Европа мамлакатларида қурол-яроғларнинг бутун арсеналини, жуда кўп металл, стратегик хом ашё запасларини, металлургия заводлари ва ҳарбий заводларни босиб олган эди. Совет Иттифоқига жуда катта ҳарбий машинага қарши яккама-якка жанг қилишга тўғри келди.

Гитлерчилар Германиясининг бизга ҳужум қилиш учун эҳтимол тутилган вақтга баҳо беришда йўл қўйилган хатолар ва шу муносабат билан дастлабки зарбаларни даф қилишга шай бўлиб туришда содир бўлган нуқсонлар ҳам бунда ўз таъсирини кўрсатди. Совет қўшинларида ўша вақтдаги шароитда йирик уруш операцияларини олиб бориш тажрибасининг етарли бўлмаганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Аммо урушнинг биринчи давриёқ гитлерчиларнинг ҳарбий авантюраси ҳалокатга маҳкум эканлигини кўрсатди. Москва остоналарида немисларнинг тор-мор қилинганлиги урушнинг боришига тубдан бурилиш ясашга асос бўлди. Гитлерчиларнинг «Яшин тезлигида» уруш қилиш плани узил-кесил гўрга тиқилди; гитлерчилар армиясининг «енгилмаслиги» тўғрисидаги сохта афсоналар бутун дунё олдида фош қилиб ташланди.

Бутун совет халқи Ватанни ҳимоя қилишга отланди. Мамлакатимиз ғоят катта ҳарбий лагерга айланиб, бутун совет халқи бир ёқадан бош чиқариб, душманни мажақлаб ташлаш, уни совет тупроғидан ҳайдаб чиқариш, фашизмни йўқ қилиб ташлашга қатъий бел боғлади. Партиянинг «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалабамиз учун!» деган шиори совет халқи ҳаётининг қатъий қонуни бўлиб қолди. Партия душманни тор-мор келтиришни уюштириш, фронт билан фронт орқасининг кучғайратини бирлаштириш соҳасида қатъий чоралар кўрди. И. В. Сталин раислигида Давлат мудофаа комитети тузилди. Республикалар, ўлкалар ва областларда партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари мудофаа учун барча куч ва маблағларни сарф қилиш соҳасида жуда катта иш олиб бордилар.

Бизнинг қаҳрамон халқимиз Коммунистик партия раҳбарлигида уруш ҳаракатларининг биринчи давридаги қийинчиликларни бартараф қила олди ва 1942—1943 йилларда урушнинг боришида бурилиш ясашга муваффақ бўлди. Сталинграддаги жуда катта жангда қозонилган ғалаба, Курск ёнида гитлерчи қўшинларнинг тормор қилинганлиги, бошқа жанг майдонларида уларнинг жуда катта мағлубиятга учраганликлари Совет Иттифоқининг фашистлар Германияси устидан ғалаба қозониш йўлидаги тарихий босқичлар бўлди. 1944 йилда немис-фашист босқинчилар Совет Иттифоқи территориясидан тамомила ҳайдаб чиқарилди, Совет Армиясининг урушнинг охирги йилидаги ҳужум операциялари эса Австрия, Албания, Болгария, Венгрия, Норвегия, Польша, Румыния, Чехословакия, Югославия халқларини фашистлар босқинидан қутқазишда, фашист коалицияси устидан узил-кесил ғалаба қозонишда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Совет халқи социалистик Ватанни, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаларини қаттиқ ҳимоя қилиб, сақлаб қолди. Фашизм мағлубиятга учратилди. Уруш қаердан бошланган бўлса, ўша ерда тамом бўлди. Тор-мор қилинган немис-фашист армиялари сўзсиз таслим бўлишди. Милитаристлар Японияси ҳам тормор қилинди. СССР Хитой ва Кореядаги революцион кучларга ҳарбий-сиёсий ёрдам кўрсатди. Бош ҳарбий жиноятчилар судга берилди ва қилмишларига яраша жазоланди. Жаҳон цивилизацияси фашизм вабосидан қутқазиб қолинди.

Немис-фашист босқинчилар устидан қозонилган ғалаба кўп халқларнинг биргалашиб қилган ҳаракатлари туфайли қўлга киритилди. Урушни боришида антигитлерчиларнинг қудратли коалицияси вужудга келди. Ғарбдаги иттифоқчиларнинг армиялари душманга жиддий зарба бердилар. Польша, Чехословакия, Югославиянинг иттифоқчи қўшинлари мардонавор жанг қилдилар. Бироқ совет халқи, унинг қаҳрамон армияси урушнинг асосий оғирлигини кўтарди, гитлерчилар Германияси устидан ғалаба қозонишда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Бу урушда совет халқи кўп қурбонлар берди ва кўп жойларимиз вайрон бўлди. 20 миллиондан ортиқ совет кишилари жанг майдонларида ҳалок бўлди, шаҳар ва қишлоқларнинг ҳаробалари остида қолиб кетди, фашист бандитлар томонидан отиб ташланди, гитлерчиларнинг қамоқ лагерларида азоблаб ўлдирилди. Уруш йилларида ўз туғишганлари ва яқинларининг ҳалокати туфайли қайғу алам чекмаган бирорта оилани топиш қийин. Урушда берилган талафотларнинг қайғу-алами чексиз ва бепоёндир.

Уруш моддий жиҳатдан жуда катта зарар етказди. Фашистлар 70 мингдан кўп шаҳар, посёлка ва қишлоқларни вайрон қилиб ҳаробазорга айлантирдилар. Мамлакат ўз миллий бойлигининг қарийб 30 процентидан маҳрум бўлиб қолди. Фашист босқинчиларнинг юртимизда кенг кўламда қилган ваҳшийлиги ва йиртқичлигини тарих шу вақтгача кўрмаган эди.

Империализм ва ундан пайдо бўлган энг мудҳиш маҳлуқ фашизм билан бўлган жуда катта ҳарбий тўқнашда социалистик ижтимоий ва давлат тузуми ғалаба қилди. Социалистик экономика, жамиятнинг социал-иқтисодий ва ғоявий бирлиги, совет ватанпарварлиги ва СССР халқлари дўстлиги, халқнинг коммунистлар партияси теварагига маҳкам жипслашганлиги, совет жангчиларининг мислсиз қаҳрамонлиги ва мардлиги Совет Иттифоқи куч-қудратининг манбалари бўлди. Бу империализм ва фашизмнинг инсониятга душманликдан иборат идеологияси устидан социалистик идеологиянинг ғалабаси эди.

Бу урушда совет халқи ғалаба қилди. Совет кишилари ўз ватанини ҳимоя қилмоқ учун бир ёқадан бош чиқариб курашга отландилар. Бу — мисли кўрилмаган оммавий, чинакам умумхалқ қаҳрамонлиги эди. Ватанимиз пойтахти Москва шонли ҳимоячиларининг, Брест ва Севастополь, Ленинград ва Сталинград, Одесса ва Киев қаҳрамонлари ва бошқа шаҳарлар қаҳрамонларининг кўрсатган жасорати совет кишиларининг фидокорона довюракликги ва мардлиги намунаси бўлиб абадий қолади. Кремль девори ёнидаги номаълум солдат қабри устида абадий сўнмас шуҳрат олови зўр қайғу-алам рамзи сифатида, Ватанимизнинг уруш йилларида ҳалок бўлган ўз ўғил ва қизларига сўнмас меҳр-муҳаббати ва уларнинг ўлмас жасорати тўғрисидаги олижаноб хотираси рамзи сифатида ловуллаб турибди.

Бу урушда Совет Қуролли кучлари ғалаба қилдилар. Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилмоқ учун ташкил этилган бу Қуролли Кучлар ўзларининг жанговар байроқларини Совет давлатининг бутун тарихи оша шараф билан кўтариб бордилар. Совет жангчиларининг Ватан уруши йилларида кўрсатган жасорати ҳеч қачон эсдан чиқмайди. Совет ҳарбий фани ва ҳарбий санъатининг афзаллиги туфайли ҳам фашизм устидан буюк ғалаба қўлга киритилди.

Душманнинг орқа томонида фашист босқинчиларга қарши умумхалқ кураши авж олиб кетди. Партизанлар Совет Қуролли Кучлари билан биргаликда душманга қақшатқич зарба бердилар. Украина, Белоруссия, Молдавия, Литва, Эстониянинг кўп районларида, Смоленск, Брянск, Псков, Новгород, Орёл, Ленинград, Калинин, Москва областларида ва бошқа областларда халқ қасоскорлари, подпольедаги партия ва комсомол ташкилотлари ҳаракат қилдилар.

Урушдаги ғалаба — Совет мамлакатининг ичкарисидаги меҳнаткашларнинг ҳам ғалабасидир. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар энг қийин шароитда фидокорона меҳнат қилдилар. Хотин-қизлар ва ўсмирлар меҳнат вахтасида туриб, фронтга кетган ўз оталари, эрлари ва ака-укаларининг ўрнида ишладилар. Партия халқ хўжалигини ҳарбий изларга кўчириш билан боғлиқ бўлган ва миқёси мисли кўрилмаган тадбирларни амалга оширди, жуда катта ҳарбий-ташкилий иш олиб борди. 1360 тадан кўпроқ йирик саноат корхоналари мамлакат шарқига кўчириб олиб кетилди ва қисқа муддат ичида ишга туширилди. Армиямизни қурол-яроғлар ва анжомлар билан таъминлашнинг асосий оғирлиги Шарқдаги индустриал база зиммасига тушди. Уруш йиллари мобайнида совет саноати замонавий жанговар техникани гитлерчилар Германиясига қараганда қарийб икки баравар кўп ишлаб чиқарди.

Ягона ирода, ягона ғайрат билан бирлашган, партия ва Совет ҳокимияти тарбиялаб етиштирган ишчилар, деҳқонлар ва зиёлилар, эркаклар ва хотинлар, коммунистлар ва комсомоллар тарихда тенги бўлмаган жасорат кўрсатишга лаёқатли бўлиб чиқдилар.

Қаттиқ ҳарбий синов йилларида Коммунистлар партияси курашаётган халққа бошчилик қилди. Коммунистлар партияси совет халқининг душманга қарши курашини уюштирди уни ғоявий жиҳатдан руҳлантирди, ғоявий жиҳатдан қуроллантирди. Коммунистик партиянинг энг яхши фарзандлари фашизмга қарши қуролли курашнинг олдинги сафида бўлдилар. Партия ажойиб ҳарбий саркардалар авлодини тарбиялаб етиштирди. Сиёсий ходимлар (улар орасида партия ва давлатнинг атоқли арбоблари ҳам бор эди) армияда катта ташкилотчилик ишини ва партиявий-сиёсий ишларни олиб бордилар. Уруш охирига келиб, фронтдаги коммунистлар 3 миллион кишидан ошиб кетган эди. 1941 ва 1942 йилларнинг энг оғир ойларида жангчилардан партия сафига кирувчилар жуда кўпайди. Бизнинг партиямиз ҳақиқатан жанг қилаётган партия бўлди.

Улуғ Ватан урушида Совет Иттифоқининг қозонган ғалабаси жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлди. Европа ва Осиё мамлакатларида социалистик революцияларнинг ривожланиши ва ғалаба қилиши, жаҳон социалистик системасининг тузилиши учун қулай шарт-шароит вужудга келди. Халқларнинг миллий озодлик кураши кенг авж олди, социализм ва демократиянинг халқаро кучлари мустаҳкамланди, империализм ва реакциянинг позицияси заифлашди.

Совет Иттифоқи Улуғ Ватан урушининг якунлари шу нарсани жуда яққол кўрсатдики, социализмни қақшата оладиган, марксизм-ленинизм идеяларига содиқ, социалистик Ватанга садоқатли, Ленин партияси теварагида жипслашган халқни тиз чўктира оладиган куч жаҳонда йўқ. Бу якунлар империалистик агрессорларга даҳшатли огоҳлантиришдир, тарихнинг қаттиқ ва унутилмас сабоғидир.

**5. Совет халқи ўзининг қонхўр душмани устидан тарихий ғалаба қозониб тинч қурилиш планларини амалга оширишни давом эттиришга киришди.**

Партия ва ҳукумат уруш йилларида энг кўп шикастланган шаҳар ва қишлоқларни тез қайта тиклаш йўлида қатъий чоралар кўрдилар. Оккупация қилинган районлар озод қилинганидан кейин дарҳол халқ хўжалигини тиклаш ишлари бошлаб юборилди. Энг катта ҳарбий ҳужум операцияларини ва жуда кенг миқёсдаги қайта тиклаш ишларини айни бир вақтда амалга ошириш намунаси тарихда бўлмаган эди. Сталинград, Киев, Минск, Харьков, Смоленск, Новгород, Псков, Витебск, Воронеж, Севастополь ҳамда бошқа кўпгина шаҳарлар ва қишлоқлар кул-тепа ва вайрона ҳолидан тиклаб олинди. Янги заводлар ва фабрикаларнинг корпуслари қад кўтараверди. Совет деҳқонлари гитлерчилар талаб кетган колхозлар ва совхозларни яна ишга солиб юбордилар. Социалистик Ватан тез куч қувватга тўла бошлади. Урушнинг бошида мамлакатимиз энг ичкарисига кўчириб олиб кетилган корхоналар мамлакатдаги бир қанча районлар экономикасини юксалтириш учун яхши база бўлди. Саноат ишлаб чиқаришнинг урушдан олдинги даражасига 1948 йилдаёқ асосан етиб олинди.

Уруш йилларидаги талафотларга қарамай совет индустрияси барқарор, тез суръатлар билан ривожланаберди. 1940 йилдан 1960 йилга қадар саноат маҳсулотининг асосий турларини ишлаб чиқариш қуйидагича ошди: ишлаб чиқарилаётган пўлат 18,3 миллион тоннадан 65 миллион тоннага, нефть 31,1 миллион тоннадан 148 миллион тоннага, газ 3,4 миллиард кубометрдан 47 миллиард кубометрга, электр энергия 48,3 миллиард киловатт соатдан 292 миллиард киловатт-соатга етказилди. Ишлаб чиқариш структурасида чуқур силжишлар рўй берди. Энергетика, машинасозлик, химия саноати, қора ва рангли металлар ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш сингари етакчи тармоқлар, электроника ва радиоэлектроника, атом саноати сингари янги тармоқлар жадал ривожлантирилаверди, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш амалга оширилди.

Техника тараққиёти асосида меҳнат унумдорлиги тўхтовсиз ўсиб борди. Озиқ-овқат моллари, газламалар, пойафзаллар, шунингдек узоқ муддат фойдаланиладиган рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш кўпайтирилаверди. Саноат буюмларининг сифати ошди.

Уруш йилларида айниқса кўпроқ шикастланган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлар мураккаброқ эди. Колхозчи деҳқонлар ва совхозларнинг ходимлари ўз бурчларини юксак даражада англаб ва фидокорона меҳнат қилиб урушда вайрон бўлган хўжаликларни қисқа муддатларда тиклаб олдилар. Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот етиштириш 1950 йилга келиб урушдан олдинги даражага етди. Бироқ экономиканинг мана шу муҳим тармоғида ривожланиш суръатлари кейинги йилларда сусайиб қолди, бу эса аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда, енгил саноатни эса хом ашё билан таъминлашда муайян қийинчиликлар туғдирди. Бунинг сабаби маълум даражада шундан иборат бўлдики, урушдан кейинги дастлабки даврда қишлоқ хўжалигини пул билан таъминлаш, ҳамда моддий-техника жиҳатидан таъминлаш имкониятлари чекланган эди. Колхозлар ва совхозларни ривожлантиришда социалистик ишлаб чиқариш усулидан келиб чиқаётган резервлардан ҳам тўлиқ фойдаланилмади. Партия Марказий Комитетининг 1953 йил сентябрь Пленумида қишлоқ хўжалигига моддий-техника ёрдами кўрсатиш ҳамда колхозлар ва колхозчиларнинг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлигини кучайтириш чоралари кўрилди. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш дон етиштиришни кўпайтиришнинг янги қўшимча манбаи бўлди.

Моддий ишлаб чиқаришнинг ўсиши халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилган бир қанча чораларни амалга ошириш имконини берди. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи оширилди, қарилик ва инвалидлик пенсиялари анча кўпайтирилди, иш ҳақи камайтирилмаган ҳолда иш ҳафтаси қисқартирилди, мамлакатда уй-жой қурилиши оммавий равишда авж олдириб юборилди. Фан ва техника соҳасида, маънавий маданиятни ривожлантиришда янги муваффақиятлар қўлга киритилди. Маорифнинг миқёси ва даражаси жиҳатидан Совет мамлакати жаҳонда етакчи ўринлардан бирини маҳкам эгаллаб олди.

Совет жамиятини ривожлантиришнинг урушдан кейинги шарт-шароити Коммунистик партия олдига мураккаб ва масъулиятли вазифалар қўйди. Турмуш партиянинг сиёсий йўли тўғрилигини исботлаб берди, партия омманинг тажрибасини назарий жиҳатдан умумлаштиришга ва тўғри сиёсий шиорларни майдонга ташлашга, йўл қўйилган хатоларни очиб ташлашга ва шу хатоларни тузатишга лаёқатли эканлигини кўрсатди. Партия социалистик демократияни янада ривожлантириш йўлини ўтказиб, XX съездда Сталин шахсига сиғинишни кескин қоралади. Шахсга сиғиниш марксизм-ленинизм руҳига ёт равишда бир кишининг ролини кўкларга кўтаришда, коллектив раҳбарликнинг ленинча принципидан чекинишда, асоссиз репрессияларда ҳамда социалистик қонунчиликни шу каби бошқа хил бузишларда ифодаланди ва булар жамиятимизга зарар етказди. Бу бузилишлар жуда жиддий бўлишига қарамай, социалистик жамият табиатини ўзгартира олмади, социализм негизларини бўшаштира олмади. Партия билан халқ коммунизм ишига чуқур ишондилар, зўр ғайрат билан меҳнат қилиб, Ленин идеалларини амалга оширабердилар, қийинчиликларни, вақтинча муваффақиятсизликларни ва хатоларни енгиб чиқдилар.

Партиямиз партия, давлат ва идеология ишларининг ҳамма соҳаларида шахсга сиғиниш оқибатларини бартараф қилиш, партия турмушининг ленинча нормалари ва принципларига риоя қилиш чораларини амалга оширди.

Иттифоқдош республикалар, ўлкалар ва областларнинг хўжалик ва маданий қурилиш масалаларини ҳал этишдаги ҳуқуқлари, корхона раҳбарларининг ҳуқуқлари кенгайтирилди, мана шуларнинг ҳаммаси мамлакатдаги социал-сиёсий ва маънавий ҳаётни, партия, совет ва хўжалик аппаратининг барча бўғинларидаги ишларни активлаштиришга олиб келди. Совет ижтимоий ва давлат тузуми тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди ва ривож топди, ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги мустаҳкамланди, Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги тағин ҳам мустаҳкамланди, улар Ленин партияси теварагига тағин ҳам кўпроқ жипслашдилар.

**6. Социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалаба қозонганлиги — Коммунистик партия раҳбарлигида совет халқи олиб борган революцион — ўзгартирувчилик фаолиятининг асосий якунидир.**

Жаҳон социалистик системаси вужудга келганлиги, Совет Иттифоқининг иқтисодий ва мудофаа қуввати мустаҳкамланганлиги, жаҳон миқёсидаги кучлар нисбатини социализм фойдасига ўзгартирди, СССРда капитализмнинг реставрация қилинмаслиги учун мустаҳкам гарантия яратди, социализмнинг узил кесил ғалаба қозонишини таъминлади.

Мамлакатимиз кураш ва ғалабаларнинг жуда катта йўлини босиб ўтди. Биринчи йўл очувчиларнинг йўли ҳамиша қийин бўлади. Бу эса доимий изланишларни, энг мураккаб вазифаларни ҳал этишни, кўпгина зиддиятлар ва тўсқинликларни енгишни талаб қилади. Жамиятни социалистик асосда қайта қуриш нақадар мураккаб иш эканлигини эллик йиллик давр кўрсатди. «...бу иш,— дейди В. И. Ленин, — китоблардан ўқиб билиб бўлмайдиган янги, тарихда мисли кўрилмаган ишдир» (Асарлар, тўла тўплами, 35-том, 265-бет).

Социал қайта қуришлар тарихда биринчи бўлиб илмий асосланган революцион ҳаракат программаси асосида амалга оширилди. Бу иш партиядан сиёсий етук бўлишни, уюшқоқ ва чидамли бўлишни, социализм қуришга қаратилган йўлни изчиллик билан ўтказишни, мураккаб назарий ва амалий проблемаларни ишлаб чиқишда ижодий дадиллик кўрсатишни, янги жамиятни бунёд қилиш йўллари, методлари ва воситаларини кўп марталаб текшириб кўришни талаб қилди.

Бизнинг партиямиз проблемалар, қийинчиликлар, босиб ўтилмаган йўллар, мувақкат муваффақиятсизликлар ва чекинишларнинг янгилиги ва жуда катталигидан қўрқмай, социалистик қурилиш вазифаларини ҳал қилаверди, чунки социалистик революция миллионлар оммасининг жуда кенг кўламдаги ва жуда чуқур социал ижодкорлигидир. Партия халқ билан маҳкам ва кенг алоқада бўлишдан, марксизм-ленинизм принципларига содиқ бўлишдан, революцион назарияни ҳормай-толмай ижодий ривожлантиришдан, эришилган натижаларни ўзи муттасил танқидий қараб, текшириб туришдан куч олиб келди ва куч олмоқда.

Ўн йиллар давомида биз янги жамият қуришда жуда бой тажриба тўпладик. «Мамлакат энг буюк туб ўзгаришлар йўлига ўтган экан, — деган эди В. И. Ленин, — демак, бу мамлакатнинг ва бу мамлакатда ғалаба қилган ишчилар синфи партиясининг хизмати шундан иборатки, илгари вақтларда абстракт тарзда, назарий қилиб қўйилган вазифага биз амалий жиҳатдан жуда ҳам ёндошиб келдик. Бу тажриба эсдан чиқмайди... нима бўлса ҳам бу тажрибани, рус революциясининг ва халқаро социалистик революциянинг шарт-шароити қандай оғир бўлмасин, бу тажрибани улардан тортиб олиш мумкин эмас. Бу тажриба социализм эришган ютуқ сифатида тарихга кирди, бинобарин, келажакдаги халқаро революция ўзининг социалистик биносини ана шу тажрибага асосланиб қуради». (Асарлар, 27-том, 436-бет).

СССРда социализм ғалабасининг тарихий аҳамияти шундаки, янги жамият қуриш тўғрисидаги марксизм-ленинизм таълимоти партиямиз ва халқимиз тажрибасида кенг ва рад этиб бўлмайдиган далиллар билан исботланди. Марксизм-ленинизм илмий назариясини амалга ошириш ишчи ва деҳқонларнинг, барча меҳнаткашларнинг туб манфаатларига тўла мос бўлиб тушаётганлигини, жамиятни социалистик ривожлантириш йўлидагина ҳар томонлама социал тараққиёт бўлиши мумкинлигини, фақат социализмгина халқларга социал ва миллий озодлик, чинакам демократия, мустаҳкам тинчлик ва эркинлик олиб келаётганлигини совет жамияти амалда очиқ кўрсатди. Социализм эксплуатация ва зулм ўрнига меҳнаткаш синфлар ва миллатлар дўстлигини, ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамлашувини барқарор қилди. Стихия ва анархия ўрнига хўжаликни, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма томонларини планли ривожлантиришни барқарор қилди; меҳнаткаш кўпчиликнинг сиёсий ҳуқуқсизлиги ўрнига чинакам халқ ҳокимиятини барқарор қилди. Социализм ижтимоий ишлаб чиқариш мақсадини тубдан ўзгартирди,

(Давоми 3-бетда).

